

**“KAFOLAT sug`urta kompaniyasi” AJ Бошқарувининг
Харид комиссияси мажлиси
БАЁНИ**

2022 йил «18» январь

2-Т-сон

Тошкент шаҳри

Раислик этувчи:

Бошқарув раиси ўринбосари,
Комиссия раиси ўринбосари

В. Грибанова

Комиссия аъзолари:

Суғурта бўйича директор

А. Шаробиддинов

Бухгалтерия бош бухгалтер в.б.

С. Жапаков

Матбуот хизмати раҳбари

Н. Бахадирханова

Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
департаменти бош менежери

И. Каримов

Юридик бўлими бошлиғи

Н. Шоназаров

Умумий масалалар бўйича
Департамент бош менежери

Ф. Рахматуллаев

КУН ТАРТИБИ:

***“KAFOLAT sug`urta kompaniyasi” AJ Бошқарув иш фаолиятида фойдаланиш
мақсадида 1000 (минг) дона кичик конверт, 15 800 сўмлик 200 (икки юз) дона, 3800,
1900 ва 1000 сўмлик маркалардан 500 (беш юз) донадан ҳарид қилиш юзасидан.***

Кун тартибидаги масала юзасидан Умумий масалалар бўйича бош менежер Ф.Рахматуллаев сўзга чиқиб, Компания Бошқаруви Комплаенс-назорати бўлими бошлиғи Х.Дадабаевнинг 2022 йил 12 январдаги 01-01/79-сонли билдиришномасига асосан Компания Бошқарув иш фаолиятида фойдаланиш мақсадида 1000 (минг) дона кичик конверт, 15 800 сўмлик 200 (икки юз) дона, 3800, 1900 ва 1000 сўмлик маркалардан 500 (беш юз) донадан сотиб олиш лозимлигини билдирди.

Ушбу маҳсулот қуйидаги нархлар асосида “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг “Ўзбекистон маркаси” филиали томонидан 2022 йил 18 январдаги 8-сонли Шартнома лойиҳаси тақдим қилинганлигини ҳақида мажлис иштирокчиларига маълумот берилди.

(сўм)

Маҳсулот номи	Ўл. бир.	Нархи	Зарурий миқдор	Умумий қиймат
Кичик конверт	дона	350	1000	350 000,0
Марка 15800 сўмлик	дона	15 800	200	3 160 000,0
Марка 3800 сўмлик	дона	3 800	500	1 900 000,0

Марка 1900 сўмлик	дона	1 900	500	950 000,0
Марка 1000 сўмлик	дона	1 000	500	500 000,0
Жами				6 860 000,0

Шундан сўнг, Юридик бўлими бошлиғи Н.Шоназаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунининг 67-моддасида "Ягона етказиб берувчидан товар (иш, хизмат) олиш зарур бўлган тақдирда, у ва давлат буюртмачиси ўртасида махсус ахборот порталида рўйхатга олиниши лозим бўлган тўғридан-тўғри шартнома тузилади" – деб кўрсатилганлигини билдирди. Компания Бошқаруви идоравий хужжатларига илмий техник ишлов бериш ва рўйхатдан ўтказиш мақсадга мувофик эканлигини учун, "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг "Ўзбекистон маркаси" филиали билан махсус ахборот порталида рўйхатга олиниши лозим бўлган тўғридан-тўғри шартнома тузилиши кераклигини тушунтириб ўтди.

Муҳокамада А.Шаробиддинов, Н.Бахадирханова, И.Каримов, сўзга чиқиб, Ф.Рахматуллаев ва Н.Шоназаров сўзларини қўллаб-қувватладилар.

Комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг "Ўзбекистон маркаси" филиали томонидан тақдим этилган 2022 йил 18 январдаги 8-сонли Шартнома имзоланишига ва Бошқарув иш фаолиятида фойдаланиш мақсадида 1000 (минг) дона кичик конверт, 15 800 сўмлик 200 (икки юз) дона, 3800, 1900 ва 1000 сўмлик маркалардан 500 (беш юз) донадан ўрнатилган тартибда харид қилиб олиш учун 6 860 000,0 (олти миллион саккиз юз отмиш минг) сўм миқдоридаги маблағ ажратилиб бериши тақлифи маъқул бўлди.

Юқорида қайд этилган масала бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, харид комиссияси

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Компания Бошқаруви Комплаенс-назорати бўлими бошлиғи Х.Дадабаевнинг 2022 йил 12 январдаги 01-01/79-сонли билдиришномасига асосан компания Бошқарув иш фаолиятида фойдаланиш мақсадида 1000 (минг) дона кичик конверт, 15 800 сўмлик 200 (икки юз) дона, 3800, 1900 ва 1000 сўмлик маркалардан 500 (беш юз) донадан сотиб олиш мақсадга мувофик деб ҳисоблансин.

2. "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг "Ўзбекистон маркаси" филиали билан 1000 (минг) дона кичик конверт, 200 (икки юз) дона 15800 сўмлик марка, ҳамда 500 (беш юз) донадан 3800, 1900 ва 1000 сўмлик маркалардан ўрнатилган тартибда жами 6 860 000,0 (олти миллион саккиз юз отмиш минг) сўмга тўғридан-тўғри шартнома имзоланишига ҳамда харид қилиб олиш учун розилик берилсин.


Бошқарув раиси ўринбосари,
Комиссия раиси ўринбосари



В. Грибанова

Комиссия аъзолари:

Суғурта бўйича директор



А. Шаробиддинов

Бухгалтерия бош бухгалтер в.б.

С. Жапаков


Матбуот хизмати раҳбари

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш департаменти бош менежери

Юридик бўлими бошлиғи

Умумий масалалар бўйича
департамент бош менежери

Долдат.



Н. Баҳадирханова

И. Каримов

Н. Шоназаров

Ф. Раҳматуллаев